Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш соҳасидаги асосий кўрсаткичлар динамикасини моделлаштириш соҳада юз бераётган тенденциялар, трендлар ва вақтли қаторлар каби моделлар ёрдамида амалга оширилиши мумкин.

Тренд моделлари асосида Ўзбекистон Республикасида 2020-2022 йилларда соғлиқни сақлаш соҳаси ривожланишининг истиқболдаги кўрсаткичлари ҳамда уларни ҳисоблаш учун энг қулай функциялар рўйхати келтирилди (2-жадвал).

2-жадвал

Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш соҳаси ривожланишининг прогноз кўрсаткичлари¹⁰

№	Кўрсаткич номи	Модель	Йиллар		
			2020	2021	2022
1.	Соғлиқни сақлаш харажатларини молиялаштириш учун давлат бюджетидан ажратиладиган молиявий ресурслар ҳажми	$x_1 = 999,94 \cdot t + 1543,89$	10543,4	11543,3	12543,2
2.	Бир шифокорга тўғри келадиган ўртача аҳоли сони	$x_2 = 1,13 \cdot t + 368,83$	379,0	380,1	381,3
3.	Шифохоналарда 10000 нафар аҳолига ўртача тўғри келадиган ўринлар сони	$x_3 = 0,31 \cdot t + 42,46$	45,3	45,6	45,9
4.	100000 нафар аҳолига нисбатан биринчи марта қўйилган ташхис билан қайд қилинган касаллар сони	$y = 0,14 \cdot x_1 + 33,01 \cdot x_2 - 833,3 \cdot x_3 + 73183,84$	49422,2	49348,5	49278,1

Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш соҳасидаги фаолият самарадорлигини 100000 аҳолига нисбатан биринчи марта қўйилган ташхис ёрдамида қайд қилинган касаллар сони билан белгилаш мумкин. 100000 аҳолига нисбатан биринчи марта қўйилган ташхис билан қайд қилинган касаллар сонининг ўзгариши (Y) бир қатор омилларга боғлиқ. Ушбу омиллар сифатида соғлиқни сақлаш харажатларини молиялаштириш учун давлат бюджетидан ажратиладиган молиявий ресурслар ҳажми – X_1 , битта шифокорга тўғри келадиган ўртача аҳоли сони – X_2 ва шифохона муассасаларида 10000 нафар аҳолига ўртача тўғри келадиган ўринлар сони – X_3 танлаб олинди.

Аниқланган маълумотлардан фойдаланган ҳолда Ўзбекистон Республикасида 100000 аҳолига нисбатан биринчи марта қўйилган ташхис билан қайд қилинган касаллар сони унга таъсир этувчи қатор омиллар таъсирида ўзгаришини кўп омилли эконометрик моделини тузиш ва ушбу омиллар самарадорлигини аниқлаш мумкин.


¹⁰ Тадқиқот натижалари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

Хар 100000 аҳолига нисбатан биринчи марта қўйилган ташхис билан қайд қилинган касаллар сонининг ўзгариш моделида $a_0=73183,84$; $a_1=0,14$; $a_2=33,01$ ва $a_3=-833,3$ га тенг. Унга кўра ўша жараённи ифодаловчи регрессия тенгламаси тузилди.

$$Y=0,14 \cdot X_1+33,01 \cdot X_2-833,3 \cdot X_3 +73183,84 \quad (1)$$

Тузилган моделнинг ишончилиги ва адекватлигини бир неча мезонлар асосида текшириб, натижалар аниқлигига ишонч ҳосил қилиш лозим. Аниқланган трендда автокорреляция мавжуд эмаслиги ва бошқа мезонлар бўйича ҳам талабга жавоб берганлигидан юқорида аниқланган (1)- регрессия тенгламаси ишончли деб топилди ва адекватлиги исботланди.

Вақт омили таъсири бўйича аниқланган кўрсаткичлар ўзгаришини ифода этувчи моделларни (1)-регрессия тенгламасида келган мос ўзгарувчилар ўрнига қўйиб, хар 100000 нафар аҳолига нисбатан биринчи марта қўйилган ташхис билан қайд қилинган касаллар сонининг прогнози аниқланди (2-расм).



2-расм. Ўзбекистон Республикасида 100000 нафар аҳолига нисбатан биринчи марта қўйилган ташхис билан қайд қилинган касаллар сони (киши)

Маълумотларидан кўриниб турибдики, хар 100000 нафар аҳолига нисбатан биринчи марта қўйилган ташхис билан қайд қилинган касаллар сони (Y) нинг ортиб боришига таъсир этувчи соғлиқни сақлаш харажатларини молиялаштириш учун давлат бюджетидан ажратиладиган молиявий ресурслар ҳажми (X_1) ва бир шифокорга тўғри келадиган ўртача аҳоли сони (X_2) йилдан йилга ортиб борган бўлса, шифохона муассасаларида 10000 нафар аҳолига ўртача тўғри келадиган ўринлар сони (X_3) омилининг қиймати пасайиб борган. Бу эса тўғридан-тўғри чиқиш омили ҳисобланган 100000 нафар аҳолига нисбатан биринчи марта қўйилган ташхис билан қайд қилинган касаллар сонининг ортиб боришига олиб келади.


Модел асосида яқин истиқболдаги 100000 нафар аҳолига нисбатан биринчи марта қўйилган ташхис билан қайд қилинган касаллар сонининг мақсадли кўрсаткичини белгилашда талабнинг тўйиниш нуқтасини аниқлаб олган ҳолда кириш омилларини тўғри белгилаш муҳим ҳисобланади.

Диссертациянинг «Соғлиқни сақлаш соҳасида бошқариш механизмларини такомиллаштириш истиқболлари» деб номланган учинчи бобида соғлиқни сақлаш соҳасида фаолиятни бошқариш истиқболлари, соғлиқни

сақлаш соҳасини молиялаштиришда тиббий суғуртани ташкил этиш механизмини такомиллаштириш, минтақаларда соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантиришда «ихтисослашган кластер» моделидан фойдаланиш самарадорлиги ҳамда электрон соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш асосида соғлиқни сақлаш соҳаси ижтимоий самарадорлигини ошириш йўналишлари ёритиб берилган.

Ривожланган мамлакатларда соғлиқни сақлаш тизимида бошқаришнинг энг самарали усулларида бири бу – фаолиятни бошқаришнинг мақсадли дастурлар механизми ҳисобланади. Мазкур механизмнинг асосий хусусияти унинг якуний натижаларига қаратилганлигида бўлиб, бошқа моделлардан кўра натижавий самарадорликнинг юқори бўлишини таъминлайди.

Соғлиқни сақлаш соҳасида инновацион жараёнларни бошқариш самарадорлигини таъминлаш учун тадқиқотчи томонидан ривожланган мамлакатларда қўлланилаётган мақсадли дастурлар механизмини соҳанинг ҳолати ва ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олувчи мамлакат соғлиқни сақлаш соҳаси учун янги бўлган механизм ишлаб чиқилди (3-расм).




3-расм. Соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантиришнинг мақсадли дастурлар механизми¹¹

¹¹ Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган

Юқоридаги механизмдан келиб чиққан ҳолда, тадқиқот жараёнида тиббиёт муассасаси фаолиятини бошқаришнинг инновацион модели ишлаб чиқилди ва амалиётда фойдаланиш учун тавсия этилди.

Тадқиқот ишида таклиф қилинаётган тиббиёт муассасаси фаолиятини бошқаришнинг инновацион механизми бошқарувнинг уч асосий компонентини бирлаштиради: комплекс даволаш учун зарур бўлган ресурсларни бошқариш; тиббий хизматлар кўрсатиш соҳасида хизмат кўрсатиш технологик занжири бизнес-жараёнларини бошқариш; келажакни бошқариш, яъни комплекс даволаш дастурларини амалга оширадиган тиббий марказни ривожлантиришда «ўсиш нуқталари» ни белгилаш (4-расм).



4-расм. Тиббиёт муассасаси фаолиятини бошқаришнинг инновацион модели¹²


Моделга асосан тиббиёт муассасасида иш жараёнларини бошқаришнинг асосий йўналишлари режалаштириш, бизнесни моделлаштириш, масъулият ва ваколатларни тақсимлаш, жараённинг ёндашувини қўллаш, ишлаш таҳлили,

¹² Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган

жараённи қайта қуришдан иборат. Таклиф қилинган модел асосида соғлиқни сақлаш муассасаларида инновацион фаолиятни бошқариш механизми ишлаб чиқилиши ва ушбу механизмдан фаолиятни самарали ташкил этишда фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Бугунги кунда мамлакат ҳудудида барча тармоқ ва соҳаларда инновацияларни яратиш ва амалиётга жорий этиш жараёнлари янги ташкил этилган давлат тизими – Ўзбекистон Республикасининг Инновацион ривожланиш вазирлиги ва унинг ҳудудий Инновациялар марказлари томонидан мувофиқлаштирилмоқда. Тадқиқотчининг фикрича, тармоқ ва соҳаларнинг хусусиятларини эътиборга олган ҳолда кенг қамровли инновацион жараёнларни амалга ошириш ва мувофиқлаштириш учун фаолият кўрсатаётган вазирлик ва уни ҳудудий марказларининг имкониятлари чегараланган ҳамда ҳудудий марказлар ҳудудлардаги соҳа ва тармоқларда инновацияларнинг яратилиши ва амалиётга жорий этилиши жараёнини тўлақонли мувофиқлаштира олмайди.

Ушбу ҳолатдан келиб чиқиб, диссертацияда соғлиқни сақлаш соҳасидаги бошқарув жараёнларини мувофиқлаштириш ва яратилган тиббий янгиликларни амалиётга самарали жорий этиш учун ҳудудий инновацион марказлар билан тўғридан-тўғри алоқада бўлган Минтақавий ихтисослашган тиббий инновациялар марказини ташкил этиш таклиф этилган (5-расм).



5-расм. Минтақавий тиббий-инновацион муҳитнинг концептуал модели¹³

¹³ Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

Минтақавий ихтисослашган тиббий инновациялар маркази (кластери)нинг ички тизимини бошқариш, бир хил тизим ичида турли йўналишлар ва даражадаги (тиббиёт, илмий, таълим) ташкилотларнинг ўзига хос муаммоларини ҳар томонлама ҳал қилишни минтақалар учун янги инновацион бошқарув модели воситасида амалга ошириш мумкин. Фаолият самарадорлиги юқори бўлган шифокор ва тадқиқотчилар гуруҳларини шакллантириш, соғлиқни сақлаш ва тиббиётда «инновацион ўсиш» йўналишларини яратиш орқали фаолиятни ташкил этишга сифат жиҳатидан янги ёндашув шаклланади.

Сўнгги ўн йил ичида электрон соғлиқни сақлаш диагностика хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, тиббий ёрдам сифатини яхшилаш, хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасидаги мувофиқликни ошириш, ишларни бошқариш тизимини такомиллаштириш, беморларни хизмат кўрсатувчи провайдерлардан ажратиб турувчи географик омилларни енгиб ўтиш каби жараёнларда муҳим роль ўйнади. Ушбу стратегик нуқтаи назардан, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти яхши ишлайдиган соғлиқни сақлаш тизимлари аҳоли саломатлиги ва фаровонлигини таъминлашнинг калити деб ҳисоблайди.

«Электрон соғлиқни сақлаш» тизими босқичма-босқич ўз ваколатлари ва функцияларини белгилаб олган ҳолда мавжуд «юзма-юз алоқа» моделига параллел равишда амалга оширилади. Алоқанинг бундай жараёни йўқотишларни минималлаштиради ва ресурслардан тежамкор фойдаланиш тизимини шакллантиради. Тизимни ўзгартириш жараёнлари билан бир вақтнинг ўзида ахборотнинг ошқоралиги ўсади, истеъмолчилар ва тиббий хизматларни ишлаб чиқарувчилар ўртасида масофадан мулоқот шаклланади. Рақамли соғлиқни сақлаш хизматини жорий қилиш самараси инновациялар натижаларидан фойдаланган ҳолда ҳаёт сифатини ва барқарор ривожланишни таъминлайди.

Ривожланган мамлакатларда электрон соғлиқни сақлаш тизимининг шаклланиши ва амал қилиши ҳолатини ўрганиш соғлиқни сақлашнинг ушбу шаклини қуйидаги таркибий қисмлардан иборат ҳолда шакллантириш мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатди (6-расм):



6-расм. Электрон соғлиқни сақлаш тизими таркиби¹⁴

¹⁴ Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

Мамлакатимизда «электрон соғлиқни сақлаш» тизимини шакллантириш масаласи қабул қилинган соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантириш Концепциясига мувофиқ амалга оширилиши белгиланиб, бугунги кунда тизимнинг электрон рўйхатга олиш, беморларнинг электрон тиббий ёзувлари, телетиббиёт, соғлиқни сақлашда ижтимоий тармоқлар фаолияти марказлашмаган ҳолда қисман шаклланган. Концепцияга мувофиқ, юқорида таклиф этилган электрон тизимлар мажмуаси шаклида «электрон соғлиқни сақлаш» тизимининг ташкил этилиши қисқа даврда мавжуд тизим билан параллел ҳолда самарали электрон тиббий хизматлар тизими фаолиятини йўлга қўйиш имконини беради.

ХУЛОСА

Диссертация ишини бажариш давомида илмий-тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий соҳада амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар шароитида ижтимоий соҳанинг асосий таркибий қисмларидан бири бўлган соғлиқни сақлаш соҳасида ислохотларни кескин ўзгаришлар асосида олиб борилиши зарурлиги белгиланди. Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясидан келиб чиқиб, мамлакатимиз ҳудудиларида мавжуд салоҳиятга таянган ҳолда соғлиқни сақлаш соҳасини, жумладан унинг таркибидаги тиббиёт муассасаларини ҳозирги давр талабидан келиб чиққан ҳолда ривожлантиришга имконият яратади.

2. Хорижий ва миллий тадқиқотчиларнинг изланишларини ўрганиш асосида инновация, инновацион фаолият атамаларига аниқлик киритилиб, соғлиқни сақлаш соҳасида фойдаланиладиган инновациялар таснифи такомиллаштирилди. Шу билан бирга, соҳани ривожлантириш моделининг инструментлари аниқланди ва уларнинг бир бутун ҳолда амалга оширилишига имконият яратди.

3. Соғлиқни сақлаш соҳасидаги яхлит ва ҳудудий сиёсатнинг мамлакат, минтақа ва ҳудуд даражасидаги асосий вазифалари қиёсий таққосланиб, уларга аниқлик киритилган.

4. Хорижий мамлакатларнинг соғлиқни сақлаш тизимидаги фаолиятни бошқариш тажрибаларини ўрганиш асосида мамлакатимизда мавжуд соғлиқни сақлаш соҳасида янгиликларни бошқариш йўналишларини такомиллаштиришга имконият яратди.

5. Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш соҳаси муассасаларининг миқдорий ва сифат кўрсаткичлари динамик қаторларини таҳлил қилиш асосида қуйидагилар аниқланди ва баҳоланди:

тиббий хизматларга талаб йиллар давомида барқарор ўсиб бормоқда ва ҳақиқатда мавжуд бўлган хизматлар таклифи реал талабни сифат жиҳатидан тўлиқ қондира олмаяпти;

тиббий хизматларга бўлган талабнинг шаклланишига тиббиётнинг янги соҳа ва йўналишларида фаолият кўрсатувчи янги тиббиёт муассасаларининг

ташкил этилиши ва уларда замонавий тиббий анжомлардан фойдаланиш даражасининг ортиши яширин эҳтиёж асосида талабни шакллантирувчи таклиф сифатида ўз таъсирини кўрсатмоқда;

соҳада мавжуд тиббий муассасаларда инновацион фаолият асосан давлат тизимлари томонидан мувофиқлаштирилмоқда, ҳар бир тиббий илмий-тадқиқот муассасаси доирасида кўплаб тадқиқотлар олиб борилиб, натижаларга эришилаётган бўлсада, натижаларнинг соҳага тарқалиш даражаси паст;

тиббиёт муассасалари фаолиятини молиялаштиришда фойдаланилган молиявий ресурслар таркибида замонавий тиббиёт анжомларини харид қилиш йўналишидаги маблағлар ҳажми барқарор ўсиб бормоқда, шу билан бирга давлат инновацион ва фундаментал илмий-тадқиқот лойиҳалари сони ва уларга йўналтирилган маблағлар ҳажми ҳам ортмоқда;

соғлиқни сақлаш соҳасида тиббий янгиликлар ривожланишига таъсир этувчи омиллар эксперт хулосалари ва сўровнома натижаларига асосан таснифланган ва ушбу омиллар таъсирини эътиборга олган ҳолда тиббий хизматлар бозорининг SWOT таҳлили амалга оширилган;

соғлиқни сақлаш соҳасида тиббий хизматлар кўрсатиш ҳажмининг 2011-2019 йиллардаги динамик қаторига асосланган ҳолда кўрсаткичлар ўзгариш қонуниятлари аниқланган ҳамда аниқланган қонуният асосида кўрсаткичларнинг 2022 йилгача ўзгариш даражаси прогноз қилинган.

6. Соғлиқни сақлаш соҳасида асосий хусусияти унинг якуний натижаларига қаратилган тиббий янгиликларни яратишни бошқаришнинг мақсадли дастурлар модели ҳамда тиббиёт муассасаси фаолиятини бошқаришнинг инновацион модели ишлаб чиқилди ва амалиётда фойдаланиш учун тавсия этилди. Соғлиқни сақлаш соҳасида мақсадли дастурларни амалга оширишнинг якуний натижаси аҳолининг ўлими, ногиронлик ва касалликни камайтириш, тиббий ёрдам сифатини ва мавжудлигини ошириш, демографик вазиятни яхшилаш кўрсаткичларининг ижобий ўзгаришига таъсир кўрсатади.

7. Юқоридаги бандда кўрсатилган моделлар асосида соғлиқни сақлаш муассасаларида инновацион концепциялар ва дастурларни амалга оширувчи стратегик ва оператив бўлимларни ўз ичига олувчи соғлиқни сақлаш муассасаси фаолиятини бошқариш механизми ишлаб чиқилди ва амалиётда фойдаланиш учун таклиф этилди.

8. Хорижий мамлакатларда соғлиқни сақлаш соҳасини молиялаштириш тизими ҳолати ўрганиб чиқилди ҳамда мамлакатимиз соғлиқни сақлаш соҳасини молиялаштириш тизимини такомиллаштириш мақсадида мажбурий тиббий суғурта тизимини ўз ичига олган соғлиқни сақлаш соҳасини молиялаштириш тизимининг ташкилий-иқтисодий механизми амалиётда фойдаланиш учун таклиф этилди.

9. Соғлиқни сақлаш соҳасида бошқариш жараёнларини ташкил этишга кластерли ёндашув масаласи ўрганиб чиқилди. Кластернинг моҳияти, таснифи адабиётлар таҳлили асосида ўрганиб чиқилди ҳамда минтақаларда тиббий янгиликлардан фойдаланиш ҳолатини яхшиланишига ёрдам берувчи Минтақавий ихтисослашган тиббий инновациялар маркази модели таклиф этилди. Ушбу тадқиқотлар асосида тиббий хизматлар кластерини

шакллантиришнинг давлат-хусусий шерикчилик механизми ишлаб чиқилди ва амалиётда фойдаланиш учун таклиф этилди.

10. Тиббий хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда мавжуд «юзма-юз» тизимга параллел равишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларига асосланган «электрон соғлиқни сақлаш» тизимидан фойдаланиш соғлиқни сақлаш йўналишида олиб борилаётган ижтимоий сиёсат самарадорлигини кескин ошириш имконини назарда тутган ҳолда, мамлакатимизда 2021 йилдан шакллантирилиши белгиланган «электрон соғлиқни сақлаш» тизимининг таркиби ва ташкилий элементлари яхлит тизим кўрилишида шакллантирилди ҳамда асосий фаолият йўналишлари белгиланишига имконият яратилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/10.12.2019.1.16.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ЭКОНОМИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

ФЕРГАНСКИЙ ПОЛИТЕХНИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

НАЗАРМАТОВ ОХУНЖОН СОТВОЛДИЕВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕХАНИЗМА УПРАВЛЕНИЯ В СФЕРЕ
ЗДРАВООХРАНЕНИЯ**

08.00.13 – Менеджмент

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по экономическим наукам**

Ташкент – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан, за № В 2019.1.PhD/Iqt851.

Диссертация выполнена в Ферганском политехническом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tsue.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: **Хонкелдиева Гузал Шеровна**
доктор экономических наук, доцент

Официальные оппоненты: **Йулдошев Нуриддин Курбонович**
доктор экономических наук, профессор

Ибрагимов Азиз Юлдашевич
доктор медицинских наук,
заслуженный врач Республики Узбекистан

Ведущая организация: **Ташкентская медицинская академия**

Защита диссертации состоится «__» _____ 2020 года в ____ ч. на заседании Научного совета DSc.03/10.12.2019. I.16.01. по присуждению ученой степени при Ташкентском государственном экономическом университете. Адрес: 100003, город Ташкент, проспект Ислама Каримова, 49. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51; e-mail: tsue@tsue.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного экономического университета (регистрационный № ____). (Адрес: 100003, город Ташкент, проспект Ислама Каримова, 49. Тел.: (99871) 239-28-72.)

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2020 года.

(протокол реестра № ____ от «__» _____ 2020 года).

Н.Х. Жумаев

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.э.н., профессор

У.В. Гафуров

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, д.э.н., профессор

Ш.Дж. Эргашходжаева

Председатель Научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.э.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация к диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Опыт развитых стран мира показывает, что на данном этапе социально-экономического развития определяемое значение имеют новые знания, идеи и инновации. Здоровый образ жизни населения и используемые передовые технологии в здравоохранении становятся ключевым инструментом и рассматриваются в качестве важного фактора развития и воспроизводства человеческого капитала и трудовых ресурсов. Это требует увеличения притока финансовых ресурсов в процесс организации и управления инновациями в системе здравоохранения и создания необходимых условий для развития новшеств. По данным Всемирной организации здравоохранения (ВОЗ) «общие расходы ВВП на здравоохранение составляют 6,2% в развитых странах, 2,3% в развивающихся странах, 1,3% в других странах»¹. Это означает, что развитые страны стремятся к более широкому и эффективному использованию инноваций в сфере здравоохранения.

В странах мира объем финансовых ресурсов, задействованных в деятельности сферы здравоохранения определяет уровень изменения стоимости человеческого капитала. В их состав входят средства государственного бюджета, средства внебюджетных медицинских учреждений и привлеченные инвестиции. По данным Всемирной организации здравоохранения, объем средств, выделяемых на здравоохранение странами по всему миру, составляет около 5,6-5,8% от ВВП.

В результате структурных преобразований, которые произошли в Узбекистане с целью преобразования системы здравоохранения на основе рыночных отношений, сформировалась система, развивающаяся в направлении качественных изменений в данной сфере. На сегодняшний день научные исследования в сфере здравоохранения, а также вопросы эффективной организации и управления инновациями в здравоохранении были изучены частично и не имели комплексного подхода. Принятая Стратегия действий по развитию Республики Узбекистан на 2017–2021 годы направлена на улучшение сферы здравоохранения, в первую очередь, путем повышения доступности и качества медицинских и социальных услуг, пропаганды здорового образа жизни среди населения и укрепления материально-технической базы медицинских учреждений, а также дальнейшее реформирование системы скорой помощи². В то же время принятая Концепция развития системы здравоохранения Республики Узбекистан на 2019-2025 годы, положившая начало новому этапу развития отрасли, окажет положительное влияние на развитие сферы здравоохранения в стране.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, определенных в указах Президента Республики Узбекистан УП-5590 от 7 декабря 2018 года «О комплексных мерах по коренному

¹ Гулямов С.С., Жумаев Н.Х., Рахмонов Д.А., Ташходжаев М.М. Эффективность инвестиций в социальной сфере. Монография. –Т: IQTISODIYOT, 2019. – с-203.

² Указ Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»// www.lex.uz.

улучшению системы здравоохранения Республики Узбекистан», УП-3450 от 29 декабря 2017 года «О дополнительных мерах развития частных медицинских организаций», постановление Президента Республики Узбекистан ПП-2863 от 1 апреля 2017 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию частного сектора в сфере здравоохранения», ПП-4007 от 7 ноября 2018 года «О мерах по усилению материального стимулирования работников государственных медицинских учреждений и органов здравоохранения» ПП-4290 от 16 апреля 2019 года «О развитии государственно-частного партнерства в сфере здравоохранения» и других нормативно-правовых актах, относящихся к данной сфере.

Взаимосвязь исследования с приоритетными направлениям развития науки и технологий республики. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового государства, формирование инновационной экономики».

Степень изученности проблемы. В зарубежных странах был проведен ряд научных исследований по вопросам повышения эффективности процессов управления в сфере здравоохранения. В частности, особое значение имеют научные труды таких зарубежных ученых как П. Друкера, Р. Нельсона, Й. Шумпетера, Б. Лундволла, С. Томсона, Р. Осборна, Р. Буссе, А. Райсберга, А. Хардинга, А. Перкера. В научных трудах этих учёных в определенной степени нашли свое отражение вопросы сущности инноваций, условий возникновения инновационных процессов, теоретические и методологические основы организации и управления инновационными процессами в здравоохранении³.

Воросы оценки инноваций в сфере здравоохранения, формирование механизмов управления процессами были изучены учеными СНГ Н.З.Мазуром, В.В. Ивановым, И.В.Милкиным, Р.Ф.Фатхутдиновым, С.В. Поянской, С.А. Филиным, А. В. Тебекиным⁴.

³ Drucker P. Innovation and entrepreneurship: Practice and principles / P. Drucker. L.: Pan Books, 1986, p. 55.; Nelson R. National Innovation Systems: A Comparative Analysis. Oxford: Oxford University Press, 2003.; Шумпетер Й.А. История экономического анализа. / Й.А. Шумпетер; Пер. с англ. под ред. В.С.Автономова. СПб.: Экон. шк.: С.-Петербург. гос. ун-т экономики и финансов; М.: Высш. шк. экономики, 2001. - 1664 с.; Lundvall, B.A. National Systems of Innovation: Towards a Theory of Innovation and Interactive Learning / B.A. Lundvall. London: Pinter Publishers, 2002; International Profiles of Health Care Systems, 2012. Australia, Canada, Denmark, England, France, Germany, Iceland, Italy, Japan, the Netherlands, New Zealand, Norway, Sweden, Switzerland, and the United States. Edited by S. Thomson, R. Osborn, D. Squires, M. Jun. The Commonwealth Fund, November 2012; Busse R, Riesberg A. Health care systems in transition: Germany. Copenhagen, WHO Regional Office for Europe on behalf of the European Observatory on Health Systems and Policies, 2004.; Harding, A. and Preker, A.S. (2001) A conceptual framework for organizational reforms of hospitals. In Preker A.S. and Harding A., eds. Innovations in Health Services. Vol.1. The Corporatization of Public Hospitals. Baltimore, MD: Johns Hopkins University Press. 2001.

⁴ Мазур Н.З. Инновационная экономика: инновационные системы. Интеллектуальная собственность / Н.З. Мазур. – Самара: Издательство СНЦ РАН», 2001; Иванов В.В. Национальные инновационные системы: теория и практика формирования, монография / В.В. Иванов. –М.: СканРус, 2014. - 285с.; Милькина И.В. Теоретические основы формирования стратегии инновационного развития территорий / И. В. Милькина // Инновации. 2017. 87 с.; Фатхутдинов, Р.Ф. Инновационный менеджмент / Р.Ф. Фатхутдинов. –М., 2016.; Поянская С.В. Совершенствование управления инновационной деятельностью учреждений здравоохранения. Автореферат дисс. к.э.н. Саратов, 2012.; Филин С.А. Страхование инвестиционных рисков: Учебное пособие/С.А.Филин. –

В научных работах отечественных ученых-экономистов таких как С.С. Гулямов, Н.К. Йулдошев, Н.Х.Жумаев, Д.А.Рахмонов, М.М.Ташходжаев, Б.К.Гайибназаров, Ш.Н.Зайнутдинов, Б.Маматкулов, Д.С.Косимова, Ф.Эргашев, Д.Н.Рахимова, А.У. Султанова, Г.Ш.Хонкелдиева рассмотрены вопросы развития здравоохранения в Узбекистане, в том числе, финансирование и управление процессами новшеств в сфере здравоохранения⁵.

Вышеупомянутые ученые-экономисты внесли определенный вклад в дальнейшее повышение эффективности инновационных процессов и тенденций в здравоохранении, в том числе в совершенствовании механизмов управления процессами, использование моделей и механизмов управления сферой здравоохранения. В связи с этим, развитие и совершенствование управления сферой здравоохранения, исследование организационно-экономического механизма являются актуальной задачей. Исходя из этих аспектов была выбрана тема диссертационной работы, сформулированы её цели и задачи.

Связь темы диссертации с планами научно-исследовательской работк высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация. Тема диссертационной работы выполнена в соответствии с планом научно-исследовательских работ Ферганского политехнического института в рамках фундаментального проекта «Исследование и разработка эффективных методов и технологий для повышения конкурентоспособности предприятий в условиях диверсификации и модернизации производства».

Цель исследования заключается в разработке научных предложений и практических рекомендаций по совершенствованию механизма эффективного управления в здравоохранении.

Задачи исследования:

теоретическое обоснование необходимости формирования и развития сферы здравоохранения и их классификации;

анализ состояния служб в сфере здравоохранения в Узбекистане и оценка перспектив развития отрасли на основе факторного анализа;

разработка направлений и управление медицинских учреждений путем оценки влияния факторов на управленческий процесс;

М.: Благовест-В, 2005. –216 с.; Сюсюра Д.А. Программно-целевое управление социальным развитием села: Монография. –М.: Издательский дом «Финансы и Кредит», 2007. – с.160.; Тебекин А. В. Инновационное развитие экономики / А. В. Тебекин. – М.: Моск. гос. акад. делового администрирования, 2015.

⁵ Гулямов С.С., Жумаев Н.Х., Рахмонов Д.А., Ташходжаев М.М. Ижтимоий соҳада инвестицияларнинг самарадорлиги. Монография. –Т: IQTISODIYOT, 2019.; Гайибназаров Б.К., Кутлиев О.А., Абдувалиева Ё.Р. Соғлиқни сақлаш миллий ҳисоблари (CCMX) ни шакллантириш мақсадида соғлиқни сақлаш тизимини тадқиқ қилиш. Монография. –Т: 2015.; Зайнутдинов Ш.Н. Инновационный менеджмент. –Т.: Академия, 2006. –С.267; Зайнутдинов Ш.Н. Теория пять «И» или новая система факторов процветания государства. LAP LAMBERT Academic Publishing RU, 2018. –С. 49.; Маматкулов Б. Жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашни бошқариш: Тиббиёт олий ўқув юртлири талабалари учун дарслик. –Тошкент, 2011 – 675 б.; Маматкулов Б., Қосимова Д. Соғлиқни сақлаш менежменти ва иқтисодиёти: Дарслик. –Т.: «Voriz-nashriyot». -2015. 240 б.; Ф.Эргашев, Д.Рахимова, А.Сагдуллаев, О.Парпиев. Инновацион менежмент. Дарслик. –Т.: Академия, 2005.; Султонова А.Ў. Соғлиқни сақлашни бозор муносабатлари орқали тартибга солишинг халқаро амалиёти: и.ф.н. дисс. автореферати. –Т: ТДИУ, 2001 й.; Хонкелдиева Г.Ш. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корпорацияларни бошқаришинг илмий-методологик асослари. и.ф.д. (DSc) дисс. автореферати. –Т: ТДИУ, 2018 й.

разработка эффективных методов управления в здравоохранении и механизмов внедрения обязательного медицинского страхования для финансирования сферы;

обоснование региональной модели «специализированного медицинского кластера» организации здравоохранения и оценка её эффективности;

разработка научных предложений и рекомендаций по повышению социальной эффективности системы здравоохранения через развитие системы электронного здравоохранения.

Объектом исследования выбрана деятельность субъектов, связанных с управлением в учреждениях здравоохранения Республики Узбекистан.

Предметом исследования является совокупность социально-экономических отношений, связанных с организацией и управлением в сфере здравоохранения.

Методы исследования. В диссертационной работе использованы методы научной абстракции, анализа и синтеза, сравнения, экспертной оценки, статистического анализа, системного анализа, социологического опроса, SWOT – анализа, эконометрического анализа.

Научная новизна исследования состоит в следующем:

усовершенствована нормативно-правовая база управления деятельностью сферы здравоохранения путем реализации проекта государственно-частного партнерства;

усовершенствована система организации здравоохранения в регионах на основе «кластерного подхода», которая предполагает интеграцию медицинских организаций разного уровня и специальностей в единую взаимодополняющую друг друга систему;

обосновано совершенствование деятельности органов управления в сфере здравоохранения путем интеграции и обмена информационными системами;

разработаны прогнозные показатели развития отрасли до 2022 года с учетом трендов в сфере здравоохранения.

Практические результаты исследования заключаются в следующем:

предложена классификация процессов разработки и управления для учреждений здравоохранения;

разработана модель развития здравоохранения, включая развитие медицинского образования в секторе здравоохранения, международное сотрудничество с ведущими странами и исследовательскими центрами, защиту интеллектуальной собственности, государственно-частные партнерства и целевые межведомственные медицинские программы;

изучены модели финансирования здравоохранения в развитых странах и предложены эффективные направления финансирования национальной системы здравоохранения;

предложены научные рекомендации согласно изменению ключевых показателей здоровья в Узбекистане на 2011-2021 годы с учетом факторов и условий, влияющих на развитие сферы здравоохранения;

предложена модель целевых программ и модель управления медицинскими учреждениями, обеспечивающая эффективность инноваций и их внедрение в процесс оказания медицинских услуг;

разработан организационно-экономический механизм системы финансирования здравоохранения, включая обязательное медицинское страхование в Узбекистане;

разработана модель создания регионального специализированного медицинского инновационного кластера для обеспечения эффективности создания и использования медицинских инноваций;

предложены пути внедрения электронного здравоохранения, основанные на опыте развитых стран.

Достоверность результатов исследования. Достоверность результатов и выводов исследования определяется тем, что они основаны на научно-методологических подходах и методах, проведенных зарубежными и отечественными учеными, соответствующие целям исследования и её научной обоснованности. Данные, полученные из анализа, анкет, социальных опросов и экспертных заключений, были проведены среди широкого круга респондентов и уполномоченных специалистов, а также имеют практическое применение.

Научная и практическая значимость результатов исследования. Научная значимость исследования объясняется тем, что полученные результаты могут быть использованы для планирования и моделирования управления процессами устойчивого развития в исследовательских, образовательных и специализированных медицинских учреждениях.

Практическая значимость исследования объясняется тем, что полученные в результате исследования теоретические и научные выводы и методические рекомендации могут быть использованы Министерством здравоохранения Республики Узбекистан и его специализированными медицинскими центрами, а также Министерством инновационного развития Республики Узбекистан.

Внедрение результатов исследования. На основании полученных научных результатов, разработаны меры по совершенствованию управления развитием сферы здравоохранения:

научное предложение по совершенствованию механизма целевых программ управления учреждениями здравоохранения на основе инноваций внедрено в деятельность Министерства здравоохранения Республики Узбекистан (справка Министерства здравоохранения Республики Узбекистан от 5 февраля 2020 года № 8н-4/45). В результате внедрения данного научного предложения, достигнуто более совершенствование процессов управления деятельностью в медицинских учреждениях, а также разработана инновационная политики на различных уровнях развития сферы здравоохранения, в результате, повысилась эффективность процесса управления в сфере а 14 процентов;

научное предложение по совершенствованию механизма целевых программ управления учреждениями здравоохранения на основе инноваций было внесено в деятельность комитета Законодательной палаты Олий Мажлиса

Республики Узбекистан по вопросам охраны здоровья граждан (постановление комитета Законодательной палаты Олий Мажлиса Республики Узбекистан по вопросам охраны здоровья граждан от 22 августа 2019 года № 05/3-06-102). В результате внедрения данной рекомендации региональный специализированный центр медицинских инноваций обеспечил функционирование эффективного механизма внедрения инноваций в сфере здравоохранения путем эффективного управления инновационным процессом деятельности на уровне регионов и обеспечения быстрой реализации «диффузии» созданных инноваций. Эффективность медицинских инноваций, создаваемых в результате внедрения региональной модели «специализированного медицинского кластера» в 2018 году увеличилась на 12 процентов;

региональная модель управления деятельностью в сфере здравоохранения на основе координации инноваций в регионах и создание «специализированного медицинского кластера» внедрена в деятельность Министерства здравоохранения Республики Узбекистан (справка Министерства здравоохранения Республики Узбекистан от 5 февраля 2020 года № 8н-4/45). В результате внедрения данной рекомендации в региональный специализированный центр медицинских инноваций обеспечил функционирование эффективного механизма внедрения инноваций путем эффективного управления инновационным процессом деятельности в сфере здравоохранения на уровне регионов;

Научная рекомендация по повышению социально-экономической эффективности отрасли путем внедрения системы «электронное здравоохранение» была внедрена в деятельности комитета Законодательной палаты Олий Мажлиса Республики Узбекистан по вопросам охраны здоровья граждан (постановление комитета Законодательной палаты Олий Мажлиса Республики Узбекистан по вопросам охраны здоровья граждан от 22 августа 2019 года № 131 05/3-06-102). В результате практического внедрения предлагаемой системы «электронное здравоохранение» была налажена эффективная система электронных медицинских услуг.

Апробация результатов исследовательской работы. Результаты исследования обсуждены на 3 международных и 9 республиканских научно-практических конференциях.

Публикация результатов исследования. По теме диссертации опубликовано всего 23 научные работы, в том числе 5 статей в научных изданиях рекомендованных Высшей аттестационной комиссией Республики Узбекистан, 3 статьи в республиканских и 2 в зарубежных журналах.

Структура и объем диссертации. Диссертация состоит из введения, трех глав, заключения, списка использованной литературы и приложений. Объем диссертации составляет 154 страницы.

ОСНОВНОЕ СОДЕРЖАНИЕ ДИССЕРТАЦИИ

Во **введении** диссертации обоснована актуальность темы исследования, определены цель, задачи, объект и предмет исследования, показано соответствие темы исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики, описаны научная новизна и практические результаты исследования, раскрыта научная и практическая значимость полученных результатов, приведены сведения о внедрении результатов исследования в практику, опубликованных работах и структуре диссертации.

В первой главе диссертации **«Теоретико-методологические основы управления в здравоохранении»** обоснована необходимость формирования и управления развитием здравоохранения в Узбекистане, раскрыта сущность инноваций, классификация и особенности инновационной деятельности в сфере здравоохранения, а также изучен международный опыт управления.

Согласно международному опыту, основным направлением развития общества является развитие «человеческих ресурсов» путем удовлетворения различных (политических, духовных, экономических и социальных) потребностей населения.

За годы независимости в Узбекистане проводились систематические, взаимодополняющие реформы в сфере здравоохранения. Стоит отметить, что проведенные реформы классифицированы в соответствии с их характеристиками и содержанием согласно «узбекской модели» развития⁶.

Инновации в сфере здравоохранения приведены на рисунке 1. На этапе маркетинговых исследований внедрения инноваций анализируется рынок продуктов или услуг, созданный инвесторами, а также внутренняя и внешняя среда организации.

На этапе осуществления инноваций, прототип продукта производится, тестируется и документируется в соответствующем порядке, с положительными результатами. Конечный результат этого этапа будет отражен в сформированном пакете инноваций и войдет в процесс разработки или внедрения нового продукта (услуги). Параллельно с процессом внедрения информация о новых продуктах (услугах) формируется на основе взаимоотношений с партнерами и продвижения инноваций на основе рекламы. Основная цель этого этапа состоит в том, чтобы охватить сегменты рынка, на которых работают конкуренты, и выявить тенденции развития на рынке.

Заключительным этапом инноваций является этап оценки эффективности, основанный на отзывах о новых инновационных продуктах (услугах), представленных на рынке.

⁶ Маматкулов Б., Косимова Д. Управление здравоохранением: учебное пособие для студентов-магистрантов медицинских вузов. - Т.: 2014 г.-с- 27-60.



Рисунок 1. Система инновационного процесса в здравоохранении ⁷

Инновационная модель развития системы здравоохранения включает в себя единство медицинской науки, развитие системы непрерывного медицинского образования, международное сотрудничество с ведущими странами и исследовательскими центрами, защиту интеллектуальной собственности, развитие государственно-частного партнерства и создание целевых межведомственных медицинских программ.

